


ISLAMONLINE.UZ

Адабиёт



Оллох таолони танимок баёни



«Маърифат» сўзи лугатда танимок, билмок маъноларини англатади. Аммо илм сўзи англатган билиш билан маърифат сўзи англатган билиш ўртасида фарк бор. Маърифат деганда - нарсанинг белгиларини (сифатларни) идрок килиш тушунилса, илм оркали билишда нарсанинг ўзини (зотни) идрок килиш тушунилади. Бошқачарок айтилса, илгари хабардор бўлмаган нарсани кейин билиш маърифатдир. Шунинг учун «маърифат» сўзига ўзакдош ориф сифатини Оллохга нисбатан кўллаб бўлмайди. Чунки беҳабарликдан сўнг билим хосил бўлиши Яратувчига эмас, яратилганларга хос сифатдир. Кадим манбаларда, хусусан мумтоз адабиётимизда маърифат лафзи оркали

Яратувчини таниш тушунчаси ифодаланган. Кейинчалик тилимизда маърифат сўзининг маъно доираси янада кенгайди. Асл такозо киладиган сифатлар аслнинг ўрнида истеъмом килина бошлади. Масалан, «маърифатли киши» деган сўздан энди бевосита Оллохни онгли равишда англаш сифати тушунилмайди. Балки, замонамиз кишисининг маърифати - кўп маълумотлардан хабардорлик, расмий одоб этикетларини ўзлаштирганлик, яъни билимли, маданиятли, зиёли бўлишдан иборат, деган караш бугун меъёрга айланган.

Сўфи Оллоёр манзумаларида маърифат кандай изоҳланади? Келинг, бу касрга байтма-байт кириб, маърифатнинг шартлари ва аломатлари билан бир-бир танишайлик: Недур кулдук ани муштоки бўлмок, Ўзидин фони Хакга боки бўлмок. Яратганга куллик нима? Оллох таолога мушток бўлмок, ўзидан фоний бўлиб, борлигини унутмок, доимо Хакни ёд этиб, У Зот зикри билан бокий бўлмокдир. Муштоклик кучли истакни англатади. Кучли истак мухаббатдан тугилади. Мухаббатга тўла қалбни ўткинчи вужуд эмас, бокий Хак эгаллайди. Эшон Сўфи маърифатли бўлишнинг аввалги шартини Яратганга бандалик тушунчаси билан боғлади.

Тонимог Тангрини тонмог хаводин,

Кейин турмог фаъоли нораводин.

Бўйинсунмог, югурмог «кил!» демишда,

Казога рози бўлмог барча ишда.

Иккинчи шарт шуки, ориф банда хою хавасдан кечиши, бузук феъллардан узок бўлиши лозим. Учунчиси, маърифатли инсон Оллох буюрган амрлардан бўйин товламаслиги, буюрилганни дархол бажариши, содир бўлаётган яхши-ёмон ишни такдир такозоси деб билиши шарт.

Умид этмоғўшал кудратли Шахдин,

Ёнардин хавф этиб, ёнмог гунаҳдин.

Якин билмог, жамоат эътиқодин,

Кейин солмог муҳолиф ижтиҳодин.

Хар кандай ҳолатда яккаю ягона Зотдан умидвор бўлиш, дўзахда ёнишдан кўркиб, гуноҳдан қайтиш орифликнинг бешинчи шартидир. Олтинчи шarti, аҳли суннат вал жамоат эътиқодини ўзига якин тутиб, унга хилоф хатти ҳаракатларни эътиборга олмаслик. Жамоат тушунчаси фиркаланиш - гуруҳларга ажралиш маъносининг зиддидир. Шунинг учун Оллох ва унинг Пайгамбари кўрсатмаларини маҳкам ушлаган, ҳақ йўлда ўзаро иттифоқда бўлган кишиларни аҳли жамоат дейилган. «Оллох таолонинг сифатлари баёни» бўлимида: Жамоат аҳли суннат тузган эрлар, деган мисра бор, бу бежиз эмас. Сўфи Оллоёр тилга олган жамоат аҳли бирикмаси илмий манбаларда «аҳли сунна вал жамоа» тарзида кўлла-нади. Ақида китобларида Пайгамбар алайҳиссаломнинг: «Менинг суннатимни ва мендан сўнгги «хулофои рошидинал маҳдийин»ларнинг суннатини озик тишларингиз билан(яъни, шу даражада маҳкам ёпишиб) ушланглар. Бидъатлардан сакланинглар. Чунки хар кандай бидъат залолатдир» деган васиятлариға амал қилиш «аҳли сунна вал жамоа» тоифасининг асосий сифатларидан бири деб эътироф этилган. Хадисда айтилган «хулофои рошидин» - Абу

Бакр, Умар, Усмон ва Алий розийоллоху анхум. Хакни таниб, унга амал килган кишига рошид, унинг зиддига эса «говий» дейилади. Хадисдаги махдийин лафзи - Оллох тўгри йўлга бошлаганлар - деган маънода. Бидъат сўзининг лугавий маъноси - олдин ўхиши бўлмаган нарса - деганидир. Шариатда бидъат деганда шаръий далили йўк нарса тушунилади. Демак, кимки хох акидада, хох сўзда, хох амалда шаръий асосга эга эмас янги бир ишни динга боғласа, бу бидъат бўлади.

Акида билмаган шайтона элдур,

Агар минг йил амал деб килса, елдур.

Сўфи Оллоёр орифликнинг шартларини изохлар экан, маърифатнинг мохиятини эътикодда кўрди. Шунингчун хам эътикод коидаларидан беҳабар, таъбир жоиз бўлса, акидаси бузук инсон шайтонга эл, яъни шайтон билан инок бўлади. Бундай инсоннинг эса, гарчи минг йилдан бери килаётган бўлса хам, барча амали бекордир.

Уёлма маърифатни ўгранурдин,

Танур жойинг бўлур,

колсанг танурдин.

Уёлмасдур талаб амрини олгон,

Колуряхшиуй олмогдинуялгон.

Эшон Сўфи мазкур байтларда маърифат илмини ўрганишга чакириб, бу илмдан - Оллох таолони таниш илмидан бебахра колган инсоннинг жойи дўзах бўлишидан огохдантиради. Пайгамбар алайхиссалом: «Агар Хитойга бориб бўлса хам илм олинглар, чунки илм хар бир мусулмонга фарз» деган эканлар, бу хукмга амал килганлар хеч вақт уялиб колмайди. Халкимизда «Билмаганин сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим» деган макол бор. Ушбу: «Уёлмасдур талаб амрини олгон, колур яхшиуй олгандинуялгон» мисраларида хам шу мазмун акс этган. Яъни, маърифат илмини олишдан орланиб, тортиниб турган киши охиратда жаннатдан бенасиб колади, дейиляпти байтда.

Суфи Оллоёрнинг

"Саботул ожизн" китобидан